

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А.Акбаров

Хайнрих Хайне ва аёллар.....94

Г.Орипова

Ўзбек шеъриятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....101

О.Барзиев

Фарона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик турқумлар.....108

Д.ТурдалиевЎзбек достончилик санъатининг ўзига хос
хусусиятлари.....114**Ю.Каримова**“Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода
воситалари.....123**Д. Муратова**ХХ аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий
қадриятлар тасвири.....127

ТИЛШУНОСЛИК**А.Мамажонов, А.Саминов**Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва
номутаносиблик.....133**М.Мамажонов**Диалогик дискурсда антропонимларнинг коммуникатив-функционал
хусусиятларига доир.....138**Р.Ахророва**Ўзбек ва француз типларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик
ифодаланиши.....144**Х.Қодирова**Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шакланган айrim
лақаблар.....148**Х.Дўсматов**

Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....152

Ш.Шокиров, Д.ҚозоқбоеваИнглиз тилида “ear – қулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг
семантик хусусиятлари.....159**Т.Яндашова**Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар
лингвопоэтикаси.....163**Г.Тожиева**Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи
атов бирликларининг тавсифланиши.....168**З.Раджабова**

Ўқув фразеографияси лексикографиянинг маҳсус бўлими сифатида.....173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Х.Турсунов, Ю.Минаматов, И.Мўминов**Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишининг педагогик
муаммолари ва ечим тавсиялари.....182**М.Каримова, З.Арипов, М.Оламова**Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари
ва усуллари.....189**С.Умаров**Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик
имкониятлари.....193**С.Аъзамов**Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини
тартибга солиш.....197

УДК: 894.375+808+809.1

ФАРГОНА НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ПОЭТИК ТУРКУМЛАР
(водий шоирлари шеърияти мисолида)

ТРАДИЦИОННЫЙ ПОЭТИЧЕСКИЙ ЦИКЛ, СВЯЗАННЫЙ С НАЗВАНИЕМ ФЕРГАНА
(на примере произведений поэтов долины)

TRADITIONAL POETIC SERIES ASSOCIATED WITH THE NAME OF FERGANA
(on the example of poetry of valley poets)

Барзиев Ойбек Хабибуллаевич¹

¹Барзиев Ойбек Хабибуллаевич

– ФарДУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Аннотация

Мақолада анъанавий поэтик туркумлар яратишда муштаракликка эга бўлган Амоний Арабоний, Дилшоди Барно, Анбар отин, Завқий, Ҳусайнқули Мұхсиний, Абдураҳмон Водилий шеърияти илмий таҳлилга тортилган. Уларнинг лирик меросидаги мавжуд Фарғона номи билан боғлиқ сўз қўллаш маҳорати ва адабий таъсир масаласи қиёслаб ўрганилган.

Annotation

In article analyzes the poetry of Amoni Araboni, Dilshodi Barno, Anbar atyn, Zavqi, Husaynquli Muhsini, Abdurahmon Vodili, who have in common in the creation of traditional poetic collections. The lexical skills associated with the existing name of Fergana in their lyrical heritage and the issue of literary influence have been studied comparatively.

Таянч сўз ва иборалар: муштараклик, тасвирийлик, анъанавий поэтик туркумлар, даер муаммолари, жамиятдаги салбий иллатлар, сўз қўллаш маҳорати, адабий таъсир.

Ключевые слова и выражения: общность, образность, традиционный поэтический цикл, проблемы периода, пороки общества, навыки употребления слов, литературное влияние.

Key words and expressions: commonality, imagery, traditional poetic series, problems of the period, negative flaws in society, word usage skills, literary influence.

Миллий уйғониш даври ўзбек шеъриятида қўлланган анъанавий поэтик туркумлар мавзуси ва ўз даврининг бошқа шоирлар шеъриятида ифодаланган ғояси билан муштараклик касб этади. Бу даврнинг ёрқин вакиллари лирик меросида муросасизлик билан бирга юртни ҳимоя қилиш, унинг курашчисига айланиш ва ҳаддан ошаётган “мустамлакачилар зулми”га қарши чиқиш ғоялари юқори пардаларда намоён бўлган. Айниқса, бу каби ижтимоий масалалар мумтоз адабиётнинг кўхна жанрлари – ғазал ҳамда мухаммасларда самарали очиб берилган.

Адабий луғатларда шеърий асарлардаги туркумлилик ҳақида

“муштарак ғоявий ният, умумий мавзу, қаҳрамон ва муайян композицион яхлитликка эга бўлган бадиий асарлар мажмуи. Туркум асарлар сўз санъатининг барча жанрларида мавжуд”[1.268], дея таъриф берилган.

Ўтган асрнинг бошларида водий шоирлари ўз шеърларида Фарғона ва унга яқин бўлган ҳудудларни мадҳ этиш, унинг фарзанди эканлигидан мамнунлик руҳи билан суғорилган кўплаб лирик асарлар яратдилар. Шу билан бирга Фарғона ва унга яқин жойлашган жуғрофик ҳудудлар тасвирига мурожаат қилганлар. Шеъриятда қаламга олинган Марғилон, Қўйкон, Наманган, Андижон каби қадимий вилоят ва унинг шаҳар

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳамда туманларида ўтган асрнинг бошларида юз берган кўнгилсизликлар: юртни талаш, батрак-дехқоннинг ҳақига хиёнат қилиш, ўғрилик, товламачилик, фоҳишабозлиқ, ичклиқбозлиқ, одам савдоси каби жамиятни таназзулга олиб келиши муқаррар бўлган салбий иллатлар ёритилган.

Бундай мавзуларга мурожаат этиш, айниқса, асли Марғилон шахридан бўлган (кейин Ўш вилоятининг Аравон қишлоғига оиласи билан кўчиб кетган) шоир

Бугун тобора бўлса тор мўминларға Фарғона,
Инғуштурмай алойиқни ўралғон борҳо менман.

Шарорат била тўлиб тошти, Фарғона, ўзинг сақла,
Худоё, ҳеч адаштирма агарчи пур хато менман [2.48],

дея шахсий кечинмаларини баён қилади.

Мазкур ғазал сўфиёна усулда битилган. Амоний ижодида етакчи бўлган ижтимоий мавзуда ёзилган ғазалларда тавба қилиш, инсонларни дин-у диёнатга чорлаш масалалари етакчи саналади. Ўз замонида Фарғона мўмин-мусулмонларга тор бўлиб бораётгандиги ва у ёвузилик билан тўлиб-тошганлиги айтилади. Шоир ғазал якунида лирик қаҳрамон сифатида бу каби тўла хатоликлардан сақла, дея Худога ёлборади. Амоний ҳақида адабиётшунос олим Пўлотжон Домулло ёзган тазкирасида: "... номи мулла Омониддин бўлуб Мулла Йўлдош ўғлидур. Ўткир зеҳнли экан. Марғилондаги замондош шоирлари ашъорларидан тўплаб, кичик қўлда хушхат бир баёзча вужудга келтирмиш. 1937 нчи йилда 44 ёшида Андижон шаҳарида Маориф маҳалласида вафот этмишдур", [3.174] каби маълумот берилган.

Шоирнинг ўн байтлик "Бизга" радифли ғазали ҳам ижтимоий ғоя билан сугорилган. Ғазалнинг бешинчи байтида Фарғона мухитига хос тасвирийлик мавжуд:

Халокат ўқиға бўлди нишона
Фарғона,

Ватанлар тор турмоққа ошиқлик
қилди жон бизга.

Шоир ижодида "Мен ўзум..." ғазали ҳам ўзига хос ўринга эга. Ғазал автобиографик руҳда битилган бўлиб, унинг иккинчи байтида Фарғонадаги

Фурқатнинг шогирди Амоний Арабоний, Кўқон адабий мұхитининг ёрқин вакиллари: Дилшоди Барно, Анбар отин, Завқий, Мұхсиний, Фарғона тумани Водил қишлоғидан бўлган Абдураҳмон Водилийлар ижодида кузатилади.

Амоний Арабоний "Менман" радифли 12 байтлик ғазалида вужуди исёнга тўлган ва қадри топталган художўй киши сифатида сўз очади. Мазкур ғазалининг 9-10-байтларида:

Бугун тобора бўлса тор мўминларға Фарғона,
Инғуштурмай алойиқни ўралғон борҳо менман.

Шарорат била тўлиб тошти, Фарғона, ўзинг сақла,
Худоё, ҳеч адаштирма агарчи пур хато менман [2.48],

ёвузилик, шариатдаги мавжуд салбий иллатлар ошкор этилади:

Ниятимға етмадим, ҳижрат қилиб ё кетмадим,

Чунки бу Фарғонада бўлди шарорат ошкор.

Ёки Кўқон адабий мұхитининг шоираси Дилшоди Барно ижодига мансуб мухаммасда бир қатор Фарғона водийсига оид шаҳарлар номи келтирилиб, улардаги аҳолининг турмуш тарзи, дин ва диёнат масалалари топталгани, бой ва камбағал каби икки тоифага ажраб қолган аҳоли ҳақидаги реалистик тасвир мавжуд. Мухаммас воқеабанд усулида битилган бўлиб, шоира унинг алам ўтидан куйиб, фифон чекиб, йиглаб ёздим, дейди. Шеърнинг иккинчи бандида ифодаланишича, Фарғона – руҳсоридан ғубор кетмас, кундузи ҳоли бекарор, тунларида баҳор булути йиғлаганлиги учун шоиранинг кўкси беомон бўлган.

Учинчи банд Андижон тасвирига қаратилган бўлиб, унда қуёшнинг юзини булат тўсганлиги, нур сочолмай хуноб, шунинг учун дехқонларнинг ҳоли ҳам хароб эканлиги айтилган. Ўз навбатида мазкур тасвирийлик яширин контраст усулини вужудга келтирган. Яъни, жамиятдаги дехқонлар қуёш бўлса, уни нурини сочтирмай соя соглан мажозий образлар булат – ҳукмдорлар саналади. Бандга семурғ, яъни ўттиз қушга "уқоб" – бургут ханжар урганлиги ташбеҳи алоҳида кўрк бағишилаган.

Тўртинчи бандда Марғилон шаҳрининг бойлари ўз нафси билан овора эканлиги, ҳунарманд атлас тўқиётган қизи бечоралиги, шу сабабли ясанмай, юзига қора суртганлиги, бу азим шаҳар қора кунларга қолганлигидан шикоят қилинади. Мазкур бандда асосан қора сўзига ургу берилган. Шоира бу билан қадимий ва қўхна ҳунармандлар ўлкаси бўлган Марғилон ҳам қора кунларни бошидан кечираётганига ишора қиласди.

Мухаммаснинг бешинчи бандида Наманган тилга олинган бўлиб, у олма, анор, мевага кон, лекин боғбони мевага зор, дехқони буғдой етиштиради, лекин буғдой нонини кўрмайди, пахта экади-ю, чопони йиртиқ, дея таъриф этилади. Келтирилган тасвирийликдан давр муаммоларидан бири: дехқонлардан фойдаланиш, ўзгаларнинг ҳалол меҳнатига шерик бўлиш каби ижтимоий масалалар кўтарилиган.

Олтинчи бандда яна бир азим шаҳар – Қўёнга ишора мавжуд. Бу ерда нафс итлари ва фоҳишабозлар кўп эканлиги, йигитлари қизлар қатори хўрлангани, улар мўйлаби чиққунча ҳайит, яъни баҳтиёрлик кунларини кўрмайди, дейилган. Бандда жамиятдаги

давр муаммоларидан бўлган ор-номус, ибо ва ҳаёning унutilгани, инсон зотига қул сифатида қараш кабилар очиб берилади. Шунинг учун банднинг охирги мисрасида Қўён балога йўлиқкан, деган афсус ва надомат бор. Шоира мухаммасининг сўнги банди Фарғона замини алъомон – “омон бўлсин” деган орзу билан якунланади.

Ёки шоиранинг яна бир мухаммасида фарғоналикларнинг турмуш тарзи ёритилган. Мухаммаснинг дастлабки бандларида Фарғона гулистон бўлгудек, сунбул билан тўлгудек, элини чехраси севгудай, тунлари ойдин бўлиб тургудай, дея таърифланади. Муаллифнинг ғоявий нияти охирги бандда яқол очилади. Аҳолисининг кекса-ю, бола-чақаси яланғочлиги, уларнинг оёқлари синчалак ва қалдирғочнидек, дея ифрат (арабча “кичрайтириш”) санъатини қўллайдики, бунинг сабабини ҳамма меҳнатда-ю, лекин қорни очлигидан, деб билади. Бандлар сўнггида шоира айтилган воқеликларга қарши чиққани ҳолда уларнинг Худо урган, шунинг учун “оғзинг тарафдан ўт оч”, дея ўзига мурожаат қиласди:

Кекса озғин, букчайган, бола-чақа ялонғоч,
Қўл оёқлар мисоли синчалак, ё қалдирғоч.
Ўй ич ҳамма меҳнатда, аммо ҳамма қорни оч,
Барно буларга зид бўл, оғзинг тарафдин ўт оч,
Куйдурсун ҳаммасини мисли худо ургудай.[4.82]

Ёки етти байтлик ижтимоий мавзудаги тоҷик ва ўзбек тилида битилган ғазалида Фарғонани “зулм-аламлар ўқига нишон бўлган”, деб атайди. Ғазалнинг дастлабки байтида уни жаннатсимон ва гавҳар, ёқут узукдек жисми жонимда, деб атайди. Қўён шаҳрини эса Фарғонанинг гўёки “узук кўзи” деб таърифлайди. Жуғрофик жиҳатдан Истравшан, Наманган, Тошкент билан туташ бўлган бу гўша зулм-аламга

йўлиқканлигидан қайғургани ҳолда ғазал сўнггида ўзига мурожаат этади ва охирида мунгли овозига Фарғона ҳамзабон эканлигини ёзади. Шоир Амоний Арабоний ўз ғазалида қўллаган Фарғонанинг “ҳалокат ўқига нишон бўлганлиги” Дилшоди Барно ғазалида “зулм-аламлар ўқига нишон” деб ифодалангани сўз танлаш маҳорати ва бадииятига кўра муштаракликка эга:

Истравшану Наманган Тошкент билан туташ,
Зулм-аламлар ўқига бўлмиш нишон Фарғона.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ёки Қўқон адабий мухитининг таникли шоираси Анбар отин хасталигида ёзилган ғазалининг бошланмаси Фарғона аёлларининг ғафлат уйқусидан уйғотишга чақириланган:

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона!
Эрлардек бел боғлагин, эмди бўлуб мардана![5.17]

Ғазалнинг сўнггида аёллар ғунчаларга қиёсланиб, уларнинг ўйнаб-куладиган замонаси келганлиги, бу ҳақда хотин-қизларнинг мулоҳаза қиласидиган палласи эканлиги айтиб ўтилган:

Анбар бўйи бўғилмасун, эй гул, кўксингда,
Ханда қил ғунчалар, қилсун зани занона!

Тўққиз байтлик яна бир ғазали Фарғонанинг реал манзараси тасвирига бағишиланган ва у кучли ижтимоий мазмунга бойлиги билан ажралиб туради. Ғазалнинг дастлабки байтида Фарғона ўрус истибоди остида эканлиги айтилади. Унда зулм-зўравонлик бор бўй-басти билан тасвирланган. Анъанавий поэтик мазмун қуидаги байтда зулм сўзини қўллаш билан кучайиб боради:

Қувониб, истибода ўйлади эл, “зулм кетди” деб,
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.

Ғазалда Фарғонага золим келиб, айнан мазлумлар билан ҳамроҳ бўлганлиги долзарб мазмун касб этади. Бу эса ўз даврининг ижтимоий муаммоларидан бири – камбағаллар ҳақини талаш муаммоларига ишорадир. Бу ғазалнинг сўнггида ҳам шоира ўзига мурожаат этади ҳамда даврнинг бир неча аёллари ўзи каби дардини айтиб, охири адо бўлганлигидан огоҳлантиради.

Шоира замондоши Дилшоди Барнонинг қуидаги беш бандлик мухаммаси эса озодликка чақириув, ўзига хос даъват руҳида битилган:

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди шод қил,
Ҳар ғазални бошида, сан, ўз отингни ёд қил,
Қайди банди пора айлаб, ўзлугинг озод қил,
Қайгулик кунларни кўйдур, барчасини барбод қил,
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Мухаммасдаги радиф ва унинг ғоявий йўналиши Ҳамза Ҳакимзода ғазалини эслатади. Биринчи бандда қайгулик кунларни унугиб, Туркистон аҳолисини ҳақгўйлик учун фарёд қилишга чорлаш ғояси шоир ғазали билан муштаракдир.

Қўқон адабиётининг ҳажвгўй вакили бўлган Завқий ижодида ҳам Фарғона номи билан боғлиқ ижтимоий мавзудаги 1918-1919-йилларда ёзилган мухаммас мавжуд. Ўз даврининг “хукумат тепаси”да турган раҳнамоларга аччиқ киноя қилиб ёзилган мухаммасда анъанавий сўз қўллаш маҳорати сақланган:

Эшитинг қиссан мен айлайн изҳор Фарғона,
Куйиб хокистар ўлди жумлаи бозор Фарғона,
Мисол оташ билан бўлди, кўринг, гулзор Фарғона,
Хуружи (ўғри) лардан тортадур озор Фарғона,
Халойиқлар кўзига бўлди эмди тор Фарғона. [6,92]

Мисралардаги мавжуд Амоний Арабоний ғазалида қўлланган “Фарғонанинг мўминларга тор келганлиги” тасвири Завқийда “халойиқнинг кўзига тор бўлганлиги” билан давом эттирилмоқда. Бу эса ижодий таъсирланишнинг ўзига хос ҳосиласи саналади.

Кўқон адабий муҳити шоири саналган Ҳусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний ижодида ҳам етакчилик қилган 10 байтлик ғазал воқеабанд усулида битилган. Шоир ҳақида таниқли адабиётшунос Пўлотジョン Домулло Қаюмий ўз тазкирасида: "...новча бўйли, қотмароқ гавдали, буғдој рангли, озода кўринишли шоирлик ўзига зеб тушмиш киши экани кўрганларга маълум бўлсада, шуҳратни севмас эди", [7.381] дея изоҳ берилган. Умр йўлида шуҳратпастликни шиор қилиб танламаган шоирнинг қўйидаги ғазалида Фарғонанинг ижтимоий ҳаётига ачиниш, афсус ва надоматлар чекиш мавзуси етакчилик қиласи:

Кетти Фарғонадин инсофу диёнат афсус,
Бу сабабдин бошимиз узра келиб қавми ўрус.

Қилди Хўқанд шаҳи ўрдаи Арк олийсин,
Ўзға бутхона, осиб анга жаложил, ноқус. [8.39]

Кўқон арки ва хон ўрдасини макон қилган ўрис қавмидан ёзғирган ижодкор уларнинг бўйнига қўнғироқчасини осиб, бу олий масканни ҳам бутхонага айлантирганларидан афсусланади.

Ғазалнинг саккизинчи байтида ажойиб ташбех, ирсоли масал каби бадиий санъатлар мавжуд бўлиб, у ғазалхонни мушоҳада қилишга ва ўша даврнинг реалистик қаҳрамонларини эслашга чорлайди. Шу билан бирга нутқимизда мавжуд халқона иборалардан "Хўroz ўз катакида қичқиради"га киноя қилинган:

Келди Искобилу губернатури Тошкандин,
Ётинг андоқ фисибон мисли катак ичра хўрус.

Ёки шоирнинг 15 байтлик "Дариф" радифли ғазали ҳам бошдан-оёқ Фарғона тасвирига бағишлиланган. Унинг матлаъ қисми:

Ваҳки, Фарғона эли мотамсаро бўлди, дариф,
Сифла, дунлар – шоҳ, шаҳларким гадо бўлди, дариф.

Халқ аро жорий бўлуб дастуру қонуну низом,
Ҳам хилофи шаръи амри Мустафо бўлди, дариф.

Шоирнинг сўз қўллаш маҳорати масаласида Дилшоди Барно мухаммасидан самарали таъсиrlаниш сезилади. Сабаби, шоира мухаммасининг олтинчи бандидаги фоҳишабозлик иллати ва тугалланмасидаги "хукумат тепасидагилар"га нисбатан "оғзинг тарафдан ўт оч" дейиши ва мавжуд тузумга "оғзини очиб қараб турмаслик"ка даъват қилиш қўйидаги байтларни эслатади:

Навжувонлар боқмайин шаръ ила олғон ҳаққиға,
Фоҳиша бебокларга ошно бўлди, дариф.

Ёки:

Очма оғзинг, Муҳсиний, тақдирни ҳақдур барчаси,
Барча – таъиди азал, раъий худо бўлди, дариф.

Фарғона тумани Водил қишлоғидан бўлган Абдураҳмон Водилий ижодиёти ҳам жаҳолат ва нодонлик, чиркин даврга тўғри келди. Шоир ғазалларининг кўпи ишқий мавзуда битилган бўлиб, улар орқали ўз юртини ҳимоя қилиш баён қилинган:

Қаро бўлғон экан аввалда бу баҳт ила иқболим,
Хаёлим дастасида жовидонимдин айрилдим.

Тушумму ё ўнгимму, билмадим, халқим адо бўлди,
Ҳалокат майдонида Туркистонимдин айрилдим. [9.25]

Амоний Арабоний ғазалига муштарак саналган "ҳалокат ўқига нишон бўлган Фарғона" Водилий ижодида "ҳалокат майдонидаги Туркистон" тасвири билан

АДАБИЁТШУНОСЛИК

алмашгани ҳолда тадрижий ривожланиб бормоқда. Бу сўз қўллаш маҳоратидаги поэтик туркумнинг уйғун эканлигини ифодалайди.

Ёки шоирнинг мураббаъ шаклида ёзилган “Кетди билдингму?” шеъри ҳам ижтимоий ғоялар билан йўғрилган. Шоир мазкур мураббаъни ўз устозига бағишлаб ёзган бўлиб, унинг дастлабки бандида Марғилон номи тилга олинади:

Жаҳон айвонидин чу моҳитобон кетди билдингму?
Кўзинг оч, бошимиздин нури аён кетди билдингму?
Мухаббат кишвариға хону хоқон кетди билдингму?
Ё худо, Марғинондин лутфи субҳон кетди билдингму?

Шеърнинг бадииятига назар ташласак, унда бошдан-оёқ ийхом (арабча “шубҳага солиш”) санъати устувор. Сабаби шоир ўз мураббаъсини устозига бағишлабгина қолмай, жаҳон айвонида юз бераётган салбий иллатлар ҳақида атрофлича тўхталиб, ўзи туғилиб ўсган диёридан кетган нарсалар билан таништиради.

Таҳлилга тортилган лирик асарлар бўйича хуносалар:

1. Амоний Арабоний Фарғона номи билан боғлиқ ғазалларида ватан ҳимоячиси сифатида гавдаланиб, юрт раҳнамоларини дин ва диёнат, инсофга чорлаган ҳолда талқин қилган. Шоир ғазалидаги сўз қўллаш маҳорати Дилшоди Барно ижодида анъана сифатида давом этди.

2. Дилшоди Барно ва Анбар отин ижодида водий ва унга яқин ҳудудларнинг таназзулга юз тутганлик тасвирини беришда поэтик анъана мавжуд.

3. Завқий мухаммасида аччиқ заҳарханда сарказм Фарғонанинг реал манзарасини очишга хизмат қилган. Шоир Амоний ғазалларида қўлланган Фарғонадаги мўминлар ҳаёти тасвири Завқий ижодида ҳам қаламга олинган.

4. Мұҳсиний ва Водилий ижодида Фарғона номи ишқий муаммолар билан уйғун берилган. Улар шеъриятида Фарғонанинг ижтимоий ҳаётига ачиниш, афсус ва надоматлар чекиши мавзуси етакчилик қиласи.

Адабиётлар:

1. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
2. Амоний Арабоний. Исмидур обиравон / Нашрга тайёрловчи, сўз боши, табдил ва изоҳлар муаллифи: Ҳасаний М. – Т.: Фан, 2003.
3. Пўлотжон Домулло Қаюмов. Тазкираи Қаюмий. II жилд. – Т.: ЎзРФА Қўлләзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998.
4. Дилшод. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи: Қодирова М. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
5. Анбар отин. Шеърлар. Рисола / Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи: Ҳусаинова Ф. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
6. Завқий. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи: Раззоқов Ҳ. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.
7. Пўлотжон Домулло Қаюмов. Тазкираи Қаюмий. II жилд. – Т.: ЎзРФА Қўлләзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998.
8. Мұҳсиний. Барҳаёт гулшан. (Девон) / Нашрга тайёрловчи: Невъматов У. – Т.: Фарғона, 2008.
9. Абдураҳмон Водилий. Ғазал, табдил ва ўйтлар / Тузувчилар: Абдурауф Абдураҳмон ўғли ва Рауф Парфи ўзтурк. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.

(Такризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)